

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ
“МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ДИНШУНОСЛИК” КАФЕДРАСИ**

ХАЛИЛОВ РАУФЖОН

**БУРХОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ ҚАРАШЛАРИДА
МАЪНАВИЯТ МАСАЛАСИ**

**Б И Т И Р У В М А Л А К А В И Й
И Ш И**

**Илмий раҳбар:
ф.ф.д., проф. А.Э.Абдусамедов**

Тошкент - 2013

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ

**I-БОБ МОВАРАУННАХР ФИҚХ МАКТАБИ ВА УНДА
БУРХОНИДДИН МАРҒИНОНИЙНИНГ ИЖОДИЙ ЙЎЛИ**

1.1. Ўрта асрларда Моварауннахрда фикҳ илми ривожига ва маънавий маданиятнинг ўзига хослиги

1.2. Бурҳониддин Марғинонийнинг фикҳ илми ривожига қўшган ҳиссаси

1.3. Бурҳониддин Марғиноний илмий меросида инсонпарварлик ғоялари

**II-БОБ МАРҒИНОНИЙ “ҲИДОЯ” АСАРИНИНГ МАРКАЗИЙ
ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-
МАДАНИЙ ҲАЁТ РИВОЖИ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ**

2.1. Мутафаккир-олимнинг илмий меросида адолатпарварлик ва ахлоқий фазилатлик қарашлари

2.2. Марғинонийнинг закот ва солиқ ҳақидаги қарашларининг маънавий-маданий ҳаёт ривожига таъсири

2.3. Марғиноний илмий меросининг Марказий Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётидаги аҳамияти

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

Тадқиқот мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, барча ислохотлар қатори аجدодларимиз меросини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва жамиятимиз тараққиёти учун зарур жиҳатларидан амалиё ҳаётда фойдаланишга кенг имкониятлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг Ўзбекистон фуқароларига мурожаатида таъкидлаганидек, “Халқимизнинг ўтмишини чин маънода эслаш, кадр-қимматига етиш, урф-одатларини, удумларини, ўтган не-не улуг зотларнинг муборак номларини тиклаш ва уларнинг иззат-хурматини бажо келтириш – сизу бизга насб этганидан фахрланишимиз керак”¹. Бу ғоят теран ва чуқур мазмунли фикрларда халқимизнинг бой маънавий меросини ўрганишга Президентимиз И.А.Каримов алоҳида эътибор берган. Шундан буён ўтган давр ичида бу соҳада жуда катта ишлар амалга оширилди. Аммо ҳали ўрганилмаган, илмий-тадқиқотга молик масалалар бир мунча, шулардан бири Бурҳониддин Марғинонийнинг илмий мероси ва унинг маънавий маданиятни шакллантиришдаги ўрнидир. Ўрта Осиёда Марказий Осиё фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) кенг кўламда ривожланган, дунёнинг кенг кўламда ривожланган ҳуқуқий негизларидан бири сифатида, узоқ муддатли тараққиёт босқичларини босиб ўтиб, барча ислом дунёси, жумладан, бизнинг ўлкамиз ўтмишда, халқимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётида унутилмас из қолдириб келган. Бунда ватанимиз фаҳрига айланган ислом уламоларидан, фикҳ илмида улкан илмий мерос қолдирган Бурҳониддин Марғиноний ҳизматлари беқиёсдир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Бурҳониддин Марғиноний яшаган замон – Шарқ Уйғониш даврининг биринчи босқичи бўлмиш X-XII асрларда Мовароуннаҳр заминида илму фан гуркираб ривожланган, жамият тараққиёти учун ислом

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон. 2011. –Б. 415.

хуқуқини тўғри англаш ва амал қилиш муҳим ижтимоий заруратга айланган эди”¹.

Шу нуқтаи назардан танланган мавзунинг долзарблиги қуйидагилар билан белгиланади:

1. Фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий тафаккури ва маънавий-маданий ҳаётнинг ўзига хослигини ўрганилиши зарурати билан;

2. Бурҳониддин Марғинонийнинг ислом ҳуқуқшунослиги шаклланиши ва ривождаги ўрни ва илмий меросида инсонпарварлик ғояларини муҳим маърифий аҳамиятга эга эканлиги билан;

3. Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарининг Марказий Осиё халқлари, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаёт ривож тарихида тутган ўрни билан;

4. Марғинонийнинг закот ва солиқ масалалари бўйича чиқарган ҳукмларининг ижтимоий ва ғоявий, маънавий ва ахлоқий аҳамиятини ёритиш билан;

5. Марғинонийнинг илмий меросининг, ундаги диний бағрикенглик ғояларининг ҳозирги давримиз учун ҳам катта мафкуравий аҳамиятини кўрсатиш зарурати билан.

Мавзунинг ўрганганлик даражаси. Марғиноний маънавий мероси, шу жумладан, унинг “Ҳидоя” асарининг илмий-тарихий ва амалий аҳамиятини тадқиқ қилиш республикамизда фақат мустақиллик йилларидагина амалга оширила бошланди. Шу нуқтаи назардан ушбу масала ватанимиз ижтимоий фанлари соҳасида Марказий Осиё халқлари ижтимоий – фалсафий тафаккури тарихининг энг кам ўрганилган масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Аммо шунга қарамай кейинги йилларда ҳуқуқшунослик, шарқшунослик фанлари бўйича ватанимиз олимлари томонидан муайян тадқиқотлар амалга оширилди. Айниқса, бу борада Марғиноний “Ҳидоя” асарининг I ва II жилдларининг араб тилидан ўзбек тилига таржимаси

¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Асарлар жилд. “Ўзбекистон” 2000, Б.115

китобхонларга етказилди. Натижада, ижтимоий фанлар соҳаси бўйича маълум тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Чунончи, нуфузли ҳуқуқшунос олимлар – А.Саидов ва А. Жузжонийларнинг “Шарқ ва инсон ҳуқуқлари” деб номланган тадқиқотлари муҳим илмий қимматга эгадир. Шунингдек, А.Жузжонийнинг “Марғиновий ва унинг издошлари” номли рисоласини ҳам кўрсатиш мумкин¹.

Республикамиз шарқшунос олимлари ҳам бу борада маълум ишларни амалга оширдилар. Жумладан, О.Қориев “Ал-Марғиновий – машҳур фикҳшунос” номли рисоласини, “Бурҳониддин ал-Мағиновий - ҳуқуқшунос”, “Ислом ҳуқуқшунослиги ва Бурҳониддин ал-Мағиновий” каби илмий мақолаларини кўрсатиб ўтмоқ зарур². Шунингдек, Махмуд Хасанийнинг “Ал-Мағиновийнинг “Ҳидоя” асари ва унга ёзилган шарҳлар”, Р.Баҳодиров ва Д.Расуловларнинг “Ислом илмларининг буюк алломалари” каби рисоалари ҳам чоп этилди³. М.Усмоновнинг⁴ икки илмий мақоласи диққатга сазовордир.

Биз мазкур малакавий битирув ишини ёзишда юқоридаги илмий тадқиқотларни ўрганиб, улардан фойдаланишга ҳаракат қилдик.

2000 йилда Бурҳониддин Марғиновий таваллудининг 875 йиллигини нишонлаш муносабати билан Марғилон шаҳрида Президентимиз И.А.Каримов томонидан аллома ва унинг илмий мероси ҳақида катта нутқ сўзланди. Унда Бурҳониддин Марғиновий илмий мероси, хусусан унинг “Ҳидоя” асарининг халқимиз ижтимоий-фалсафий тафаккури ривож тарихида тутган ўрни, ҳозирги давримиз учун ижтимоий-маънавий ва ғоявий қиммати, халқимизни юксак инсонпарварлик руҳида тарбиялашдаги

¹ Саидов А. ва Жузжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. - Т.: 1998; Жузжоний А. Марғиновий ва унинг издошлари. - Т.: 2000.

² Қориев О. Ал-Марғиновий – машҳур фикҳшунос. - Т.: 2000; Қориев О. Бурҳониддин ал-Мағиновий – ҳуқуқшунос. Шарқшунослик - Т.: 1993; Қориев О. Ислом ҳуқуқшунослиги ва Бурҳониддин ал-Мағиновий. “Ҳаёт ва қонун”. – Т.: 1994, №2.

³ Махмуд Хасаний Ал-Мағиновийнинг “Ҳидоя” асари ва унга ёзилган шарҳлар. – Т.: 2000; Баҳодиров Р. ва Расулов Д. Ислом илмларининг буюк алломалари. – Т.: 2000.

⁴ Усмонов М.О. Бурҳониддин Марғиновийнинг “Ҳидоя” асарида диний бағрикенглик ғоялари. // Маърифат. 2003 йил, 19 июль; Усмонов М.О. Закот ва солиқ ҳақидаги масалада Марғиновий ва Бобур шаръий ҳукмларининг муштарак жиҳатлари. // Илмий анжуман материаллари. Урганч. 2008.

аҳамияти ҳақида катта назарий ва методологик қимматга эга бўлган фикр-мулоҳазалар баён этилган¹. Президентимизнинг ана шу фикр-мулоҳазалари малакавий битирув ишим учун назарий ва методологик асосини ташкил этди.

Мавзунинг юқорида кўрсатилган ўрганганлик даражасини назарда тутган ҳолда мазкур малакавий битирув ишимизда Бурҳониддин Марғиновичнинг “Ҳидоя” асарида ижтимоий-маиший, маънавий-маданий масалалар бўйича чиқарган шаръий ҳукмларининг ҳуқуқий асосларининг фалсафий таҳлили асосида ўрганишга ҳаракат қилдик.

Мазкур малакавий битирув ишида қуйидаги вазифаларни амалга оширишни режалаштирдик:

- Мовароуннаҳрда фикҳ илми ривож тарихини ёритиш;
- Бурҳониддин Марғинович илмий мероси ва “Ҳидоя” асарининг фикҳ илми ва маънавий-маданий ҳаёт ривожига аҳамиятини ёритиш;
- Бурҳониддин Марғиновичнинг илмий меросида инсонпарварлик моҳиятини фалсафий ёритиш;
- “Ҳидоя”да акс эттирилган шаръий ҳукмларнинг адолатпарварлик, диний бағрикенглик моҳиятини фалсафий ёритиш;
- Марғинович ижтимоий-маиший масалалар бўйича чиқарган шаръий ҳукмларининг ўзбек давлатчилиги тарихида иқтисодий, маънавий-маданий раванг ва барқарорликни мустаҳкамлашда тутган ўрнини ёритиш;
- Марғинович илмий меросининг ҳозирги давримиз учун ижтимоий-маънавий ва тарбиявий аҳамиятини ёритиш.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асослари. Мазкур малакавий битирув ишимизни ёритишда Президентимиз И.А.Каримов асарларида ўзбек халқи маданий ривож тарихида из қолдирган буюк алломалар, мутафаккирлар, арбоблар маънавий меросининг, шу жумладан, Марғинович илмий меросининг улкан ижтимоий, тарихий ва маънавий-ахлоқий аҳамияти,

¹ Каримов И.А. Бурҳониддин Марғинович таваллудининг 910 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқи. Т.9. –Т.: Ўзбекистон, 2001.

уларнинг ҳозирги даврда баркамол инсонни тарбиялаш масаласида тутган ўрни ҳақидаги ғоялари назарий ва методологик асоси бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, республикамиз олимлари тадқиқотларидан ҳам фойдаландик.

Малакавий битирув ишимизнинг услубий асослари сифатида илмийлик, тарихийлик, ворисийлик, тамойилларига таянилди.

Малакавий битирув ишнинг тузилиши. Кириш, 2 боб (6 банд), хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. МОВАРОУННАХР ФИҚҲ МАКТАБИ ВА УНДА БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙНИНГ ИЖОДИЙ ЙЎЛИ

1.1. Ўрта асрларда Мовароуннахрда фиқҳ илми ривож ва маънавий маданиятнинг ўзига хослиги

Мустақил Ўзбекистон Республикасида истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ келажакда мамлакатда ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шу маънода таълим, айниқса, ҳуқуқий таълим, маънавий маданиятни шакллантириш масалалари демократик ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ўзбек халқининг энг долзарб муаммоларидан биридир. Буни амалга оширишнинг муҳим омилларидан бири – аجدодларимиз томонидан қолдирилган улкан тарихий меросимизни чуқур ва ҳар томонлама эгаллашдир. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Мовароуннахрда давлат ва ҳуқуқнинг, шу билан бирга маънавий маданиятнинг шаклланиши ва тараққиёти илдизлари узок ўтмишга бориб тақалади. Бу ҳақда дастлабки яқка худоликни тарғиб қилган зардуштийликнинг муқаддас китоби Авестода маънавий маданият ривожига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг араблар томонидан босиб олинishi ва ушбу ҳудуд халқлари томонидан ислом динининг қабул қилиниши натижасида VIII-XII асрларда Мовароуннахр диний илмлар марказига айланди.

Ислом оламида, шу жумладан, Мовароуннахрда диний илмларнинг вужудга келиши бевосита икки асосий манба: “Қуръон”нинг китоб ҳолига келтирилиши ва ҳадисларнинг тўпланиши билан боғлиқ. Исломнинг назарий – ҳуқуқий асослари илк ислом давридан кейинги даврларда шакллана бошлади. Бу пайтга келиб ислом дини ўз атрофига араб бўлмаган халқларни ҳам бирлаштиришга улгурган эди. Шу туфайли нафақат диний – ҳуқуқий таълимотнинг яратилишида балки исломни қабул қилган турли миллат ва ирк вакиллариининг маънавиятини шаклланишининг ҳам ҳисобга олиш лозим эди.

Ислом динини қабул қилган халқларда янги динни қабул қилиш билан ундан олдинги диний қарашлардан холос бўлиши керак эди. Бунинг учун фикҳ илмини ривожланиши зарур эди.

Фикҳ – ислом ҳуқуқшунослиги соҳаси сифатида VIII-X асрларда шаклланди. Фикҳ илми мустақил ҳуқуқшунослик соҳаси сифатида ривожлана бориб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига оид бўлган маънавиятга хос масалаларни қамраб олган: иймон асослари, ақида талаблари, инсон турмуш тарзига оид бўлган муомала, ахлоқ, ибодат қонун қоидаларидан иборат.

Бу даврда ислом динининг турли ўлкаларга кириб бориши ва у ерларда турли дин ва маҳаллий урф-одатлар билан тўқнашиши натижасида ислом ҳуқуқшунослиги ва маънавият соҳасида кўплаб мазҳаблар юзага келди. Фикҳ илми мусулмон ҳуқуқшунослиги ва шариат қонун-қоидалари ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи соҳа бўлгани учун, у диний илмлар қаторига киритилган.

X асрга келиб мусулмон олимлари тарафидан суннийликдаги энг йирик диний-ҳуқуқий мазҳаблардан шофеийлар, моликийлар, ҳанафийлар ва довудийлар қайд қилинди. Ҳанбалий мазҳабига мансуб бўлган фақиҳларни фақат XII аср бошларига келиб эътироф эта бошладилар.

Мусулмон мамлакатларининг аксариятида тарқалган ҳанафийлик ҳуқуқий мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа фикҳий ҳукм чиқаришда қуйидаги етти манбага суянган:

1. Қуръони Каримга, сабаби у шариатнинг устуни, Аллоҳнинг муқаддас каломи;
2. Суннати набавийяга – бу Аллоҳнинг китобини изохловчи, диннинг дақиқ жойларигача маълумот берувчи, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг сўзлари, амаллари бўлгани учун;

3. Ижмоъга, яъни мусулмон уламоларидан бўлган мужтаҳидларнинг Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотларидан сўнг бирор даврда шаръий ҳукм қилган иттифоқиға;

4. Қиёсга, Қачонки, бир ҳукми Қуръондан, ҳадисдан ва саҳобаларнинг сўзларидан топмасалар, қиёсга мурожаат қилинган. Қиёснинг усул уламолари истилоҳидаги таърифи – ҳукмига далил келмаган воқеани ҳукмига далил келган воқеага, ҳар иккала воқеа ҳукм асосида бир хил бўлганлиги сабабли тобе қилишдир;

5. Урф – одатга. Урф деб мусулмонлар Қуръонда, суннада ва саҳобаларнинг амалларида учрамаган, одатланиб қолиб бажариладиган амалларга айтилади. Урф икки хил: саҳиҳ ва фосид турларда бўлиб, саҳиҳ урф шаръий ҳужжат деб эътироф этилади.

Мовароуннаҳрнинг фикҳ мактаби асосчилари ана шу манбаларнинг асосчиларини мустаҳкамлашда ўзига хос таълимотлар яратдилар ва бу таълимотлар нафақат ўлка мусулмонлари, балки бутун мусулмон дунёсида ҳуқуқий таълим ва халқлар маънавиятини шакллантириш соҳасида мўътабар манбалар қаторидан ўрин олди.

Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда маданий ва маънавий ҳаётнинг бир қисми бўлган фикҳ – мусулмон ҳуқуқшунослиги назарий жиҳатдан ишлаб чиқилди ва амалий жиҳатдан турмушга татбиқ қилинди. У ўз ичига икки маънавиятга хос соҳани қамраб олган:

1. Муомала – жамиятни, мусулмонларнинг кундалик турмуш тарзини, уларнинг ўзаро муносабатлари асосида маънавий маданиятни шакллантириш;

2. Ибодат – исломнинг бешта амалий жиҳатдан бажарилиши лозим бўлган талаблар.

Ҳанафийлик мазҳаби доирасида маҳаллий одатлар, удумлар ва тасаввурларни юзага чиқариш қорахонийлар давридаги фақиҳлар қаламига мансуб бўлган.

Мовароуннахрда йирик хадисшунослик мактаби билан бирга ўз удумлари ва тартиб – қоидаларига эга бўлган фикҳ мактаблари ҳам мавжуд бўлган.

VIII-XII асрларда бутун ислом ҳуқуқшунослигининг сунна мактаби мазҳаблари, шунингдек, Мовароуннахрда пайдо бўлган ва тараққий этган ҳуқуқ мактабларида яратилган ҳуқуқий таълимотларнинг асосий ғоялари, шубҳасиз, 2000 йилда таваллудининг 910 йиллиги кенг миқёсда нишонланган Мовароуннахр ҳуқуқ мактабининг намоёндаси, буюк фақиҳ олим Бурхониддин Марғиновичнинг “Ал-ҳидоя фил фуруъ ил-фикҳ” (“Ҳуқуқ тармоқлари бўйича қўлланма”) асарида ўз аксини топди ва нафақат ўрта асрлар Ўрта Осиёда, балки ҳозирги кунларга қадар ҳам ислом ҳуқуқининг сунна мактаби ҳукмронлик қиладиган мусулмон мамлакатларининг ўқув юртларида ҳуқуқдан асосий дарслик қўлланмага айланди. Бурхониддин Марғиновичнинг мазкур асари ҳуқуқшунослик билан бир вақтда мусулмонлар маънавий маданиятини шакллантиришда асрлар давомида юксак нуфузга эга бўлди.

Халқимиз маънавий маданиятини шаклланишида Мовароуннахрда яратилган ҳуқуқий мерос ва ҳуқуқий таълим тизими пойдевори фақат шариат манбалари бўлган Қуръон, Сунна, Ижмоъ ва Қиёсгагина асослангани эмас, балки Ҳанафийлик мазҳабининг таълимотига асосан ўзбек халқининг миллий анъанавий урф-одатларига ҳам асосланганлиги билан бошқа фикҳ мактабларидан реал воқеъликка яқинлиги билан ажралиб турган ва кўпгина мусулмон мамлакатларида фикҳ илми соҳасида катта эътиборга эга бўлган. Шунинг учун ҳам мазкур ҳуқуқий кадриятлар нафақат аجدодларимиз ҳуқуқий илм ривожига тарихи, балки бутунжаҳон ҳуқуқи ва мусулмон аҳли маънавий маданияти тарихида жуда катта қимматга эгадир. Президентимиз И.А.Каримов аجدодларимиз илмий мероси ҳақида фикр юритганда Бурхониддин Марғинович ижодини юксак баҳолаб, нафақат ҳуқуқ соҳасига, балки халқлар маънавий маданияти ривожига қўшган хисса ҳақида шундай

деган эди: Олимнинг “... бу соҳада ўзи яратган буюк асарлари ва мактаби билан исломий ҳуқуқ асосларини белгилаб бергани ва шу илмнинг ҳар томонлама ривож топишига қўшган хиссаси билан шу заминда етишиб чиққан бизнинг буюк ватандошимиз Марғинович ҳазратларига тенг келадиган бошқа аллома камдан-кам топилади десак, асло муболаға бўлмайди”¹. Дарҳақиқат олимнинг асарлари ҳуқуқ ва маънавиятни ривожланишида катта эга бўлди.

1. 2. Бурҳониддин Марғинович илмий меросининг фиқҳ илми ривожига қўшган хиссаси

Буюк ватандошимиз Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғинович (1123-1197) фиқҳ илмининг ривожланишига катта хисса қўшган олимлардан биридир. У бошланғич таълимни Марғилонда олиб, кейинчалик Самарқандга боради ва у ерда умрининг охиригача қолади. У 1144 йили хажга боради. “Китоб ул-машойих”(Шайхлар ҳақида китоб) асарида ўзи таълим олган қирқдан ортиқ олимларнинг номларини санаб ўтади². Унда ўз даврининг улуғ фақиҳлари ва муфтийларидан таълим олди ва асарлар ёза бошлайди.

Бурҳониддин Марғинович қуйидаги асарлар муаллифидир: “Китоб мажмуъ ун-навозил”, “Китоб ут-тажнис”, “Китоб ул-мозид”, “Китоб ул-фароиз”, “Китоб ул-мунтаҳий”, “Бидоят ул-мубтадий”, “Кифоят ул-мунтаҳий”, “Нашр ул-мазҳаб”, “Маносик ул-Хаж”, “Шарҳ ул-Жомеъ ул-Кабир Муҳаммад аш Шайбоний”, “Мазид ул-фуруъ ул-Ҳанафия”.³ Кўриниб турибдики, Марғинович жуда сермахсул ижод соҳиби бўлиб исломий илмлар – тафсир, ҳадис, калом ва фиқҳда бой илмий мерос қолдирган.

¹ Каримов И.А. Асарлар. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.- Б. 114-115.

² Қориев О. Бурҳониддин Марғинович //Буюк сиймолар, алломалар. - Т.: 1995. - Б. 85.

³ Маҳмуд Хасаний. Ал-Мағиновичнинг “Ҳидоят” асари ва унга ёзилган шарҳлар. - Т.: 2000. - Б. 17.

Марғиновийнинг бутун ислом оламига машҳур “Ҳидоя” асари вужудга келди. Ушбу асар айрим манбаларда “Ҳидоя фил фуруъ”, баъзи манбаларда “Ҳидоя фи шарҳи бидоя” ҳам деб келтирилган. Мазкур асар Бурҳониддин Марғиновийга катта шон-шуҳрат келтирди. “Мана неча асрлардан бери Ҳанафий фақиҳлари орасида Бурҳониддин Марғиновийнинг бу асари катта шон-шуҳратга эга бўлиб келмоқда. “Ҳидоя” мумтоз тадқиқот сифатида ҳар бир қозининг биринчи ёрдамчиси, шариатнинг қийин масалаларини ва ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда раҳбар қўлланма бўлган” – деб таъкидлайдилар тадқиқотчилар А.Саидов, А.Жўзжоний¹. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, Марғиновийнинг “Ҳидоя” асари қатор асрлар давомида мусулмон мамлакатларида маълум даражада фикҳ илмининг қомуси ҳам бўлиб хизмат қилган. Бундай дейишга қандай асослар бор?

Марғиновий “Ҳидоя” асарини ёзишда яна бир жиҳати бор эдики, яъни фақиҳ олидида турли муаллифлар томонидан турли асрларда ёзилган кўп сонли фатволар, яъни ҳуқуқий мажмуалар тоғдек бўлиб турарди. Уларда Минглаб масалалар, айрим муайян муаммолар бўйича ўнлаб мулоҳазалар, ҳатто бир-бирига қарши назариялар мавжуд эди. Муаллиф назарда тутган ҳуқуқий масалани ёритиш учун, биринчидан, шариатнинг асосий манбалари, ундан кейин Абу Ҳанифа, Имом Молик, Имом Шофеъий, Имом Аҳмад ибн Ҳанбиялнинг асарлари билан бир қаторда энг нуфузли ислом ҳуқуқшуносларининг мўътабар асарларига суянди. Шунинг учун ҳам биз аввалги бандда келтирганимиз Заҳириддин Бобурнинг “фикҳда Марғиновийнинг “Ҳидоя” асарида мўътабарроқ асар бўлмағай” деган фикрлари асосли эканлигига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин ва шунинг учун Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Шу сабабли аллома нафақат уламолар, балки оддий халқ орасида ҳам “Ҳидоят йўлининг сарбони” дея катта ҳурмат-эътибор топган.”²

¹ А.Саидов, А.Жўзжоний. Шарҳ ва ислом ҳуқуқлари. - Т.: 1998. - Б. 98.

² Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Асарлар 9 жилд. 2000 й. Б.115

Аллома ниҳоятда тақволи, хусни хулқда барчага намуна бўладиган даражада бетакрор одоб соҳиби бўлиши билан бирга мусулмон киши одоб ва дунёқараши юксак ва мукаммал бўлиб, ўзгаларга ибрат бўладиган даражада бўлишини истаб ўз шогирдларини шунга даъват этган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, алломанинг яхшигина шоирлик истеъдоди бўлиб, юқоридаги даъватларини қуйидаги шеърини мисраларда ифода этган:

Ахлоқсиз олим катта бир фасоддир,

Тарки дунё қилган жоҳил ундан ҳам ёмон.

Булар икки дунёнинг кушандасидир,

Ким улар ўртасида диндан топгайдир омон?¹

Демак, ахлоқсизлик – бу маънавияти тубанликдир, шунинг учун кимки олимлик даражасига етсаю, ўзи мунофиқ, ахлоқсиз, одамлар орасида ёмонлик, фасод тарқатиб юришни, ихтилофлар чиқариб, уларнинг ўртасида бир-бирига адоват кўзғатишни касб қилиб олган бўлса, бундай олим мусулмонлар учун ҳам, жамият учун ҳам, дин учун ҳам катта зарардир. Ўзи илмсиз жоҳил, лекин тарки дунё қилиб, Аллоҳ берган, ислом дини рухсат этган неъматлардан баҳраманд бўлишдан беасос қайтарувчи зоҳидлар ундан ҳам ёмон. Бу икки хил тоифа одамларнинг амаллари икки дунё саодатининг ҳам кушандасидир.

Кўриниб турибдики, Марғиноний илмий мероси фақат фикҳ илмининг ривожини учунгина илмий қимматга эга бўлиб қолмасдан, маънавий – ахлоқий ва тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир. Аллома илмий меросининг тарихий аҳамиятларидан яна бири ана шунда ҳамдир. Бундай юксак даражадаги маънавий – ахлоқий фазилатлар фақиҳнинг ижтимоий-маиший масалалар бўйича чиқарган шаръий ҳукмларида яққол ўз ифодасини топган.

Президентимиз И.А.Каримов “Ҳидоя” асарининг бир неча асрлардан буён мусулмон халқлари ижтимоий-маънавий ҳаётида улкан ғоявий ва тарбиявий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатиш билан бирга унинг

¹ Қориев О. Ал- Марғиноний – машҳур фикҳшунос. Т.: 2000 й. Б.29

умумбашарий аҳамиятга ҳам эга эканлиги алоҳида таъкидлаб шундай ёзади: “Айниқса, бу мумтоз асарнинг Европа тилларига ҳам таржима қилингани, бутун дунёда катта қизиқиш билан ўрганилаётгани Марғиновий меросининг умумбашарий аҳамиятидан далолат беради”¹. Шу билан бирга Президентимиз Марғиновий илмий меросининг ҳозирги давримиз учун ҳам улкан маънавий ва маърифий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди: “Биз бугун ҳазрати Марғиновийнинг хизматларини бутун дунё тан олишини, жаҳондаги кўплаб нуфузли илм даргоҳларида алломанинг мероси ҳар томонлама ўрганилишини, ҳозир ҳам унинг асарлари асосида қанчадан-қанча талаба ёшларга сабоқ берилаётганини ғурур ва ифтихор билан тилга оламиз”². Президентимиз томонидан билдирилган ушбу фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Марғиновийнинг “Ҳидоя” асари ўрта асрларда битилган энг нодир, энг қулай ва марғуб асар. Бу соҳага бағишлаб битилган асарлар талайгина бўлганига қарамай, айнан шу асар асрлар оша қатор мамлакатларда дарслик сифатида фойдаланиб келаётгани ҳам бундан далолат беради.

Хулоса шуки, Бурхониддин Марғиновий фикҳ илми соҳасида катта илмий мерос қолдирган буюк аллома бўлиши билан бирга ижтимоий-маданий ва маънавий-ахлоқий соҳаларда юксак маънавият соҳиби сифатида ибрат кўрсатган. Унинг маънавий маданиятга қўшган хиссаларидан ҳозирги фуқаролик жамиятини қуришда, айниқса, ёшларни ҳуқуқий маданияти, маънавиятини тарбиялашда фойдаланиш мумкин.

¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Асарлар 9 жилд. 2000 й. Б.115-116

² Ўша асар. - Б.119-120.

1.3. Бурхониддин Марғиновий илмий меросида инсонпарварлик ғоялари

Ислом динининг мусулмончилик ижтимоий-маиший ва маънавий ҳаётида улкан аҳамиятга эга бўлган, ҳатто маълум даражада маънавий ҳаёт тарзини белгилайдиган омиллардан бири закотнинг исломнинг фарзларидан, яъни қатъий риоя ва амал қилиниши зарурий бўлган шартларидан бири сифатида эътироф этилишидир.

Президентимиз И.А.Каримовнинг ҳозирги даврда диннинг ахлоқий ва маънавий қадрият сифатидаги аҳамиятини кўрсатувчи қуйидаги таъкидини келтириб ўтмоқ жоиздир: “Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва моддий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз”¹. Шу маънода ислом динининг фарзларидан бири бўлган инсонпарварлик улкан ахлоқий, маънавий қадрият сифатида катта тарихий ва маданий аҳамиятга эгадир.

Айтиш жоизки, Қуръон оятлари ва ҳадисларда инсонпарварликка алоҳида эътибор берилади, уни шариатнинг муҳим талабларидан бири закот билан бирга қаралади. Ҳатто Қуръоннинг ўнлаб оятларида инсон маънавиятининг таркибий қисми бўлган намоз ўқиш ва закот беришга ундовчи “Ақиму-с-салота ва оту-з-закота” (“Намозга қоим бўлинглар ва закот беринглар”) иборалари ёнма-ён тарзда келади.

Қуръон Каримнинг “Бақара” сурасида шундай дейилади: “Албатта иймон келтирган, яхши амаллар қилган ва намозини тўқис адо қилиб, закотни берган зотлар учун Парвардигори ҳузурларида ажр бор. Улар учун ҳеч қандай ҳавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар.”²

Қуръони каримда шундай мазмунга эга бўлган ўнлаб оятлар мавжуддир. Шунингдек, ҳадисларда қандай кишиларга закот берилиши, закот беришдан ҳосил бўладиган савоб ҳақида жуда кўп фикрлар баён

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон. 1997. - Б. 44.

² Қуръони Карим. - Т.: “Қўлпон”. 1992. “Бақара” сураси 277 оят. // Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур.

қилинган. Умуман, бу ҳақдаги фикрлар Муҳаммад Пайғамбаримизнинг “Мол-мулкларингизнинг закотини адо этингизлар” деган ҳадиси шарифидаги умумий кўрсатма асосида талқин қилинади. Қуръон оятлари ва ҳадисларга таянган шариат аҳкомларида закотни фақат амал қилиниши зарур бўлган молиявий мажбурият сифатидагина эмас, балки муҳим эътиқод, демак маънавиятнинг муҳим белгиларидан бири сифатида талқин қилувчи ғоялар жуда муҳим ўрин эгаллайди. Бунда ватандошимиз Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида чиқарилган ҳукмлар ва билдирилган фикрлар алоҳида аҳамият касб этади.

Инсонпарварликнинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, закот олишга аҳолининг фақат маълум бир гуруҳи, яъни ҳақиқатан ҳам моддий ҳимояга муҳтож гуруҳигина ҳақли бўлиб, уларнинг энг биринчиси фақир ва мискинлардир. Улар моддий жиҳатдан ниҳоятда ночорлардир.

Демак, закот энг аввало ҳеч нарсаси йўқ, ёки жуда озгина нарсаси бор кишиларга берилади ва уларни моддий ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Моддий ҳимояга муҳтож бўлган юқорида зикр қилинган ижтимоий табақаларнинг ҳаммаси ҳам закотга баробар ҳақли эканликлари “Ҳидоя”да Қуръон оятлари ва ҳадисларга таянган. Бу ҳақда шундай дейилади: “Бизнинг (ҳанафийларнинг) асосимиз шуки, закот Аллоҳнинг ҳақи бўлиб, юқоридаги мазкур тоифадаги одамлар фақирликлари сабабли закот олишга мустаҳиқ бўлдилар, шунинг учун закотнинг қайси бирига сарф этилганлигининг фарқи йўқ.”¹

Шу муносабат билан Марғиноний ўта муҳим инсонпарварлик аҳамиятига эга бўлган бир ғояни илгари суради. Гарчи закот олишга фақат ислом динига эътиқод қилувчилар ҳақли деб ҳукм чиқарилган бўлса ҳам, лекин бошқа динга эътиқод қилувчилар ичида ҳам моддий ҳимояга муҳтож табақаларга хайр-садақанинг бошқа ҳамма турлари берилиши мумкин, деб ҳисоблайди.

¹ www.google.uz

Марғинонийнинг ушбу фикрлари катта маънавий ва ғоявий аҳамиятга ҳам эгадир. Чунки, бу ерда биринчидан, инсонпарварлик, инсоний мурувват ва меҳр-шафқат нуқтаи-назаридан фикр юритилаётган бўлса, иккинчидан бошқа динларга эътиқод қилувчиларнинг ислом давлатида нафақат моли ва жони ҳимояга олиниши ҳақида, балки уларнинг моддий ёрдамга эҳтиёж туғилганда ижтимоий ҳимояга ҳам олиниши ҳақида ҳам ҳукм чиқариляпти. Бу азалдан халқимизга хос бўлган диний бағрикенгликнинг маълум даражада ҳукукий томондан ҳам расмий эътироф этилишидир. Учинчидан масаланинг бундай қўйилиши ҳозирги кунда ҳам кўп миллатли ва кўп конфессияли мамлакатимизда турли миллатга ва диний эътиқодларга мансуб фуқаролар ўртасида ўзаро ҳурмат-эҳтиром ва ишоч, диний бағрикенглик ва ўзаро ҳамкорлик ришталарини яна ҳам мустаҳкамлашда катта мафкуравий ва ғоявий аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан Президентимиз И.А.каримовнинг қуйидаги таъкидини келтириб ўтмоқ лозим: “Бугунги кунда йигирма биринчи аср бўсағасида, башарият мураккаб тараққиёт жараёнини бошидан кечираётган бир пайтда диний бағрикенглик, турли динларга мансуб халқлар ўртасида мулоқот ва амалий ҳамкорликни кучайтириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.”¹

Марғинонийнинг асарларида келтирилган фикрлари ҳозирги даврда ижтимоий-маънавий ҳаётимизда дин номи билан амалга оширилаётган, лекин аслида ҳақиқий эътиқоддан узоқ бўлган айрим ҳайр-эҳсон номи билан қилинаётган диний маросимларга баҳо беришда катта маърифий-маънавий аҳамиятга эгадир. Чунончи, сўнгги йилларда ҳайр-эҳсон номи билан гўё эътиқод нуқтаи-назаридан амалга оширилаётган турли маросимлар (марҳумнинг йигирмалик ва йиллик маросимлари, ва ҳақозо)ни кузатадиган бўлсак, уларнинг баъзилари ҳақиқий ҳайр-эҳсондан жуда узоқ эканлигини, дабдаба ва сохта обрў учун қилинаётганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Чунки, уларда қатнашаётган ва ноз-неъматлардан баҳраманд бўлаётганлар

¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Асарлар 8 жилд. “Ўзбекистон” 2001 й. Б.128-129

орасида биронта ҳам ҳайр-эҳсонга мухтожларни учратиш қийин. Афсуски, шундай маросимларнинг ҳақиқий моҳиятини англамаган ёки пухта англамаган мусулмонлар онгига сингдиришга масъул бўлган мутасаддилар “амру-маъруф” қилишнинг вожиблиги ва савоблигини рўқач қилиб, ушбу маросимларнинг яна ҳам авж олишига бепарво бўлмоқдалар. Ахир “амру-маъруф” ҳолис ният билан бўлиши керак-ку! Шундай кўринишда ва ўзи учун маълум манфаатни кўзлаб қилинган “амру-маъруф”, ҳайр-эҳсон ҳақиқий эътиқодга мос келармикан? Уни Аллоҳ йўлида қилинган ҳолис ҳайр-эҳсон деб бўлармикан? Яна бундай тадбирлар яқин кунларгача тонгда ош тарқатиш билан кузатилад ва “Амру-маъруф” ҳақидаги маъруза 30 минут ва ундан кўп вақтни олар эди. Тошкент шаҳар ҳокимияти қарорига биноан бундай маросимларни тартибга солиш мақсадида эрталабки тадбир эрталаб соат 7:00 дан олдин бўлмаслиги белгилаб қўйилди.

Марғинонийнинг инсонпарварлик ғоялари билан боғлиқ закот ҳақида чиқарган ҳукмларининг, билдирган фикр-мулоҳазаларининг юқоридаги саҳифаларда қилинган таҳлилидан хулоса қилиш мумкинки, уларда энг аввало юксак инсонпарварлик ғоялари, инсоний меҳр-мурувват, силаи раҳм ғоялари жамиятда маълум табақаларни яъни моддий ёрдамга мухтож табақаларни мумкин қадар ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, шариат номи билан бунга қодир бўлган мусулмонларни ўз мусулмонлик бурчини, яъни бажарилиши зарур бўлган ислом фарзларидан бирини адо этишга даъват қилади. Иккинчидан, закотдан бошқа ҳайр-садақанинг барча турларини ғайридинларга ҳам бериш мумкин, деган ҳукми билан ўрта асрлар учун ниҳоятда улкан ғоявий аҳамиятга эга бўлган ва халқимизга азалдан хос бўлган диний бағрикенглик ғояларини илгари суради. Учинчидан топиб олинган бойликни ёки пулни эгасига қайтариш зарурлиги ҳақидаги ва бошқа шунга ўхшаш ҳукмлари билан инсонларни маънавий покликка, ҳалолликка, бировларнинг мол-мулкига кўз олайтирмаслик каби ахлоқий фазилатга даъват этиши билан катта тарбиявий аҳамият касб этади.

Марғиноний қарашларида инсоний мурувват, меҳр-шафқат, хайр-саҳоват, бағрикенглик, шу жумладан диний бағрикенглик туйғулари билан йўғрилган ҳукмлар, фикр мулоҳазалар асосий ўринни эгаллайди. Шу билан бирга давримиз учун маънавий-ахлоқий аҳамият касб этган ҳолда маълум даражада ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир.

II БОБ. МАРҒИНОНИЙ “ҲИДОЯ” АСАРИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ҲАЁТ РИВОЖИ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

2.1. Мутафаккир-олимнинг илмий меросида адолатпарварлик ва ахлоқий фазилатлик қарашлари

Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида солиқ ҳақида чиқарган ҳукмлари реал ҳаёт шароитларига мослашганлиги, инсонпарварлик ғояларига таянганлиги туфайли ҳам бир неча асрлар давомида мусулмон мамлакатларида ушбу масала бўйича асосий ҳуқуқий қўлланма сифатида фойдаланилган, ҳатто маълум даражада ҳозирги даврда ҳам айрим ҳолларда қўлланилиб келмоқда.

Марғиноний ҳукмича, айрим ҳолларда олинадиган закот давлат томонидан тайин қилинган мутасаддилар томонидан солиқ сифатида давлат хазинасига ўтказилиши мумкин. Бундай мутасаддиларни Марғиноний “ушр олувчилар” деб атаydi: “Ушр олувчи” деб “подшоҳ тижоратчилардан садақаларни (шариат вожиб қилган закот ва бошқа тўловларни) олиш ҳамда эвазига уларни қароқчилардан ҳимоя қилиш учун тайин қилинган кишига айтилади.”¹

Олимнинг фикрича, адолатлик мойили шундаки, закот ва бошқа тўловларнинг солиқ сифатида ундирилишига сабаб – тижоратчиларнинг тинч-омонлигини таъминлаш учун подшоҳлик томонидан ажратилган моддий куч ва маблағнинг сарфларини қоплаш учундир.

Марғиноний фикрича, шунингдек, чорва молларидан олинадиган солиқ ҳам подшоҳлик хазинасига берилиши керак. Бу ерда чорва молларидан олинадиган закот-солиқ подшоҳлик ҳақи деб ҳукм чиқарилишига сабаб – чорва боқиладиган яйловларга бирон-бир кишининг эга бўлмаганлиги, улар подшоҳлик тасарруфида бўлганлигидадир. Демак, бу ерда закот солиқ маъносида келади. Иккинчи томондан шуни ҳам таъкидлаш мумкинки, Марғиноний ушбу солиқдан келадиган маблағ подшоҳнинг шахсий

¹ Ҳидоя” I-жилд Закот китоби. Б.375

хазинасини бойитиш учун эмас, балки давлатнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган давлат хазинаси фойдасига олинишини назарда тутмоқда. “Подшоҳ” эмас, “подшоҳлик” атамасининг қўлланилиши шундан далолат беради.

Чорва молларидан олинадиган солиқ миқдори ҳақидаги Марғинонийнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳукмларини моҳияти шундаки, “Чорва деб йилнинг кўп қисмида далада ўтлайдиган ва наслини кўпайтириш мақсадида боқиладиган молга айтилади.”¹ Демак, Марғиноний бу ерда бирон кишининг ёки оиланинг шахсий моддий эҳтиёжи учун зарур бўлган чорвани эмас, балки маълум миқдорга эга ва фойда келтирадиган чорвани назарда тутмоқда. Бу билан эса, чорва эгасининг ҳуқуқ ва манфаатига зарар келтирувчи жиҳатларни истисно қилмоқда, деб тушуниш мумкин. Бу ҳақда “Ҳидоя” асарида шундай дейилган: “Бештадан кам бўлган туядан закот бериш вожиб эмас. Агарда туялар бештага етса ва шундан сўнг бир йил ўтса, то улар тўққизтага етгунча ҳар йили биттадан қўй бериш вожибдир. Агарда туялар ўнтага етса, то улар ўн тўрттага етгунча йилига иккитадан қўй бериш вожибдир. Агар туялар тўқсон биттага етса, то бир юз йигирматага етгунча тўрт ёшга кирган иккита урғочи туя бериш вожибдир”².

Солиқнинг бундай шаръий белгиланган миқдорига изчил амал этишни талаб қилиш фақат ўрта асрлар учунгина эмас, балки ҳозирги давримиз учун ҳам маълум ижтимоий ва маънавий-ахлоқий аҳамиятга эга. Сир эмаски, ҳозирги даврда ҳам мамлакатимизда бу борада айрим шахслар томонидан қаллобликка юз ўгириш ёки ўз хизмат вазифасини суистеъмол қилиш, ҳоллари учраб туради. Марғинонийнинг юқоридаги ҳукмлари эса, фуқароларни бу борадаги ўз бурчларини адо этишга шаръий йўл билан даъват қилиб, уларни маънавий покликка чақиради. Иккинчидан, ушбу ҳукмларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт учун аҳамияти шундаки, уларда

¹ www.google.uz.

² “Ҳидоя” I-жилд Закот китоби. Б.349

маълум даражада мулкдорнинг манфаатини ҳам ҳимоя қилиш, уларни рағбатлантириш майллари ҳам ўз аксини топган.

Марғинонийнинг солиқ тизимига кирувчи тўлов шаклларидан бўлган экин ерлари ҳосилидан олинадиган ушр ҳамда тижорат ва бошқа мулк шаклларидан олинадиган хирож ҳақидаги ҳукм ва фикр-мулоҳазалари ҳам адолатпарварлик ғоялари ўз ифодасини топган.

Ҳидояда шундай дейилади: “Ушр тўлаш Аллоҳнинг розилигини истаб қилинадиган ибодатлардандир”¹. “Куфр ибодатни бажаришга зиддир, ушр тўлаш эса, ибодатдир”².

“Ушр” арабча сўз бўлиб, луғавий маъноси ўндан бир демакдир. Шариатда экиладиган ва суғориладиган ерлардан, мевазорлар ва боғлардан олинадиган даромаднинг ўндан бир қисмини солиқ сифатида тўлаш ёки мухтожларга хайр-эҳсон қилишдир. Бу ҳақда Марғиноний шундай ҳукм чиқаради: “Абу Ҳанифа (раҳимаҳумуллоҳ) айтадилар: “Ердан кўкариб чиққан нарсалардан – ҳоҳ у оз бўлсин, ҳоҳ кўп – ушр олинади, бу нарсалар ҳоҳ оқар сув билан суғориладиган бўлсин, ҳоҳ ёмғирдан сув ичган бўлсин, фарқи йўқдир. Фақатгина дарахт (ўрмон дарахтлари), қамиш ва ўтлардан ушр олинмайди...” Абу Ҳанифа (раҳимаҳумуллоҳ)нинг далиллари Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг “Ердан чиққан масулотларнинг барчасидан ушр берилади, унинг қандай маҳсулотлиги ажратилмайди”, деган ҳадисларидир.”³

Албатта, ушрда ҳам закотдагидек нисоб, яъни ҳосилнинг маълум миқдорида бўлиши назарда тутилади: “Чунки ушр ҳам (закот каби) садақадир, шу сабабдан бойлик маълум бўлиши учун ушрда ҳам нисоб шарт қилинади.”⁴

Марғинонийнинг ушр ҳақидаги ҳукмларининг ижтимоий аҳамияти шундаки, улар ушр олувчининг манфаатлари билан бир қаторда ушр берувчининг манфаатларини ҳам маълум даражада назарда тутди. Бу

¹ Ҳидоя” I-жилд Закот китоби. Б.400

² Ўша асар. Б.398.

³ Ўша асар. Б.391-392.

⁴ Ўша ерда.

айниқса ердан олинадиган ҳосил миқдори, ернинг унумдорлиги, ерга сарф қилинган меҳнат ва харажат каби омилларнинг ушрнинг шартлари сифатида эътиборга олиниши ҳақидаги ҳукмларида яққол намоён бўлади. Масалан, “Ҳидоя”да шундай дейилган: “Ушр бериш учун асосий сабаб эса, ернинг ҳосилдор бўлишлигидир. (яъни қандай маҳсулот етиштиришидан қатъий назар)”¹ Яна: “Имом Абу Ҳанифа ва икки Имомнинг (яъни Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумуллоҳ) сўзларига биноан, сунъий йўл билан, яъни катта челақ билан ёки ҳўкизми, туями тортиб чиқариладиган қурулма билан суғориладиган ерлардан ушрнинг ярми, (яъни ҳосилнинг йигирмадан бири) олинади.”²

Албатта, бу ерда ўрта асрларга хос бўлган сунъий суғориш йўли билан олинадиган ҳосил назарда тутилмоқда. Кўриниб турибдики, Марғиноний бундай ерларда қилинадиган меҳнат шароитини, сарф-харажатларни ҳисобга олган ҳолда улардан олинадиган солиқ миқдорини камайтириш керак деган ҳукми билан меҳнаткаш оддий деҳқонни ҳам маълум даражада моддий ҳимоя қилиш зарурлигини эътиборга олмоқда. Фақих ўз ҳукмининг асосли эканлигига қуйидаги далилни келтиради: “Расулуллоҳ (с.а.в.) ердан олинадиган нарсаларга қилинадиган (машаққатнинг) турлича бўлишини эътиборга олиб, ундан олинадиган маҳсулотлардан бериладиган миқдорни ҳам турлича бўлишини белгилаб бердилар. (Яъни ушр (ўндан бири) ё уларнинг ярмини бериш каби)”³.

Ердан олинадиган ҳосилдан бериладиган тўловлар ҳақидаги Марғинонийнинг катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳукмларидан бири – ҳосилдор ердан чиққан қазилма бойликларидан хирож тўлашнинг зарурлигидир. Бунинг исботи сифатида қуйидаги ҳукмларни келтирамыз: “Хирож олинадиган ёки ушр (ўндан бир) олинадиган ердан тилла, қумуш, темир, қўрғошин, мис каби маъданлар қони топилса (ким томонидан қатъий

¹ Ҳидоя” I-жилд Закоат китоби. Б.393

² Ўша асар, Б.393-394.

³ Ўша асар. Б.385.

назар – у мусулмонми, зиммийми, болами, аёлми) уларнинг бешдан бир қисми подшоҳ томонидан байтул молга (яъни давлат хазинасига) олинади.”¹

Яна: “Агарда хирож тўланадиган ердан нефть ё қорамой чашмаси чиқса ва бу чапламалар чиққан ер атрофлари экинга яроқли, маҳсулот берадиган ер бўлса, бундай нефть ва қорамой чашмаларидан хирож бериш лозимдир.”²

Ушбу ҳукмлар ҳам маълум даражада ер эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Марғинонийнинг ғайридинлардан олинадиган закот, ушр, хирож каби тўлов шакллари ҳақида чиқарган ҳукмлари эса, катта маънавий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлиш билан бирга ғоявий ва сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир. Аввало ғайридинлардан олинадиган солиқ миқдори улар мамлакатларида мусулмонлардан олинадиган солиқ миқдorigа боғлиқ. Акс ҳолда: “Мусулмондан молининг қирқдан бири миқдорида, зиммийдан йигирмадан бири миқдорида, аҳли харбдан³ (яъни мусулмон бўлмаган мамлакат фуқароси) эса, ўндан бири миқдорида ушр (тўлов) олинади. Хазрати Умар (р.а.) хизматчиларига ушбу мазкур тартибда тўлов олишни амр этган эдилар. “Агар аҳли харб ўзи билан эллик дирҳамгина олиб келган бўлса, ундан бирон нарса олинмайди, аммо аҳли харблар биз мусулмонлардан шу миқдордаги маблағдан тўлов оладиган бўлсалар, шу ҳолдагина улардан ҳам тўлов олинади.”⁴ Демак, мусулмон давлати ушр олувчиси ғайридин давлатида мусулмонлардан қандай тўлов олинаётганини аниқ билсагина, ўшанча миқдор тўлов олади. “Агар аҳли харб ушр олувчисининг олдидан икки юз кумуш танга олиб ўтса ва уларнинг биз мусулмонлардан қай миқдорда тўлов олаётганидан ғофил бўлсак, ундан молининг ўндан бир миқдорида ушр (тўлов) оламиз”. Чунки Хазрати Умар (р.а.) айтганларки: “Агарда улар

¹ Ҳидоя” I-жилд Закот китоби. Б. 391.

² Ўша асар. Б.402

³ Аҳли харб – кофир мамлакат кишиси. Улар зиммийлардан фарқли ўлароқ ислом мамлакати ҳимоясида бўлмаган ғайридинлардир.

⁴ Ҳидоя” I-жилд Закот китоби. Б.378-379.

бизлардан қанча миқдорда тўлов олаётганини билмасангизлар, улардан ўндан бирини олаверинглар”¹

Ушбу ҳукмлар бир томондан ўрта асрлар шароитида мусулмон ва ғайридинни мамлакатлари ўртасида тинчлик-омонлик ўрнатиш, иқтисодий ва савдо алоқаларини кенгайтириш борасида катта сиёсий ва адолатли аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан мусулмон халқлари ва мусулмон бўлмаган халқлар ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат-эҳтиром ва диний бағрикенглик ришталарини мустаҳкамлашда улкан ғоявий аҳамиятга эгадир.

Марғинонийнинг инсоний мурувват, меҳр-оқибат, раҳм-шафқат, инсоф ва диёнат, халоллик ва адолатга ундовчи шаръий ҳукмлари ва ғоялари ҳозирги кунда ҳам маънавий ҳаётимизни яна ҳам юқори босқичга кўтариш борасида фойдаланишимиз зарур бўлган тарихий қадриятларимиздан биридир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, Бурҳониддин Марғиноний асарларининг инсонпарварлик моҳияти бўлмиш “адолат туйғуси, ўз даврининг ҳуқуқий мезонлари асосида яшаш, ўзганинг мол-мулкига кўз олайтирмаслик, харомдан хазар қилиш, инсоф ва диёнат, меҳр-оқибат каби халқимизга хос бўлган эзгу тушунчалар бугунги кунда ҳам маънавий ҳаётимиз асосларини ташкил этади, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди”².

Дарҳақиқат ҳар бир нарсага адолат тамойили юзасидан ёндашиш инсоний фазилат бўлиб, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни кетаётган ҳозирги даврда халқимиз маънавий-маданий ҳаётининг асосий мезонларидан бирини ташкил этади.

¹ Ҳидоя” I-жилд Закот китоби. Б.379

² Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.: “Ўзбекистон”, 9 жилд, 2001й. Б. 117-118.

2.2. Марғиновийнинг закот ва солиқ ҳақидаги қарашларининг маънавий-маданий ҳаёт ривожига таъсири

“Ҳидоя” китоби суннийлик оқимида ҳанафий мазҳабида мукаммал ҳуқуқий кодекс сифатида ислом ҳуқуқининг барча соҳаларини қамраб олади ва мўътабар ҳуқуқий қўлланма сифатида XIII асрдан буён бутун ислом дунёси, айниқса Марказий Осиё халқлари учун энг ишонарли манбалардан бири бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Марғиновийнинг “Ҳидоя” асари, шу жумладан унинг закот ва солиқ ҳақидаги ҳукмлари ўзининг реал ҳаёт шароитларига мосланганлиги туфайли бир неча асрлар давомида кейинги фақиҳлар учун ғоявий ва тарихий манба бўлди, уларга катта таъсир ўтказди.

Марғиновий фикрича, закотда ҳар бир кишининг молиявий имкониятидан келиб чиққан ҳолда пули ёки маблағи нисобга етганлиги, яъни ҳаётий эҳтиёждан ортиқча маълум пул ёки мол-мулкка эга бўлишлик ҳисобга олинади.

Закотни кимга бериш кераклиги ҳақидаги масалада Марғиновий моддий ҳимояга муҳтож аҳолининг саккиз тоифаси ҳақида таъкидлаган эди. Худди шундай фикрни Бобурнинг “Мубаййин”да ҳам учратамиз. Унинг кўрсатишича, булар саккизта: 1) фақирлар; 2) бирон касб-ҳунарга эга бўлмаган мискинлар; 3) бирон мол-мулкка эга бўлмаган, ҳар кунги ризқини кунда топадиган “омиллар”; 4) “муаллафаи қулуб” (Бобур бу гуруҳнинг таърифини бермаган); 5) мукотаб, яъни тўсатдан мол-мулкидан айрилиб фақир бўлиб қолганлар; 6) қарздорлар; 7) ғариблар; 8) ғозий ва хожилар (албатта камбағал ғозий ва хожилар назарда тутилади).

Марғиновий закот масаласи билан боғлиқ ҳолда ўрта асрлар давлатчилиги учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган солиқ масаласига катта эътибор қаратади ва ижтимоий – иқтисодий ва маълум даражада ғоявий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ҳукмлар чиқаради.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, Марғиноний хукмларининг каби маънавий қиммати шундаки, улар энг аввало ҳар бир инсонни мурувватли, меҳр-шафқатли, ҳайр-эҳсонли бўлишга даъват қилиб, улар ахлоқий камолотининг юксалишига хизмат қилган бўлса, иккинчидан, фуқаропарвар подшоҳ сифатида имконият даражасида мамлакат аҳолисининг катта қисмини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган; учинчидан, улар инсонпарварлик, турли мамлакатлараро ўзаро ҳамкорлик, диний бағрикенглик туйғулари билан йўғрилганлиги туфайли жамият ва мамлакат ҳаётида катта ижтимоий – маънавий аҳамиятга ҳам эгадир.

Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абул Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний (1121.23.9, Риштон - 1197.29.10, Самарқанд) - фикҳ олими. “Бурҳониддин”, яъни “Ислом ва шариатнинг рад қилиб бўлмайдиган мутлақ исботи” фаҳоли унвон соҳиби.

У Риштон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ўз падари бузруквори, акалари кўлида, сўнгра мактабда ва Марғилондаги Фур Сиддиқ мадрасасида таҳсил олди. Куръони карим, ҳадиси шариф, тафсир илмини чуқур эгаллади.

Унинг улуғ фақиҳ бўлиб етишишида шариатнинг асосчилари ва назариётчи мужтағидлари Абу Ҳанифа Имом ул-Аъзам, Абу Юсуф ал-Хорижий, Имом Муҳаммад аш-Шайбоний, айниқса, Имом Абул Ҳасан Ал-Қодирий ва унинг “ал-Мухтасар” номли шариатда жуда муўътабар манба саналадиган китобларидаги ҳукуқий наз-ялар, ғоя ва қарашлар асосий ўрин тутган.

У 1149 йили ҳаж сафарида бўлди. Қайтаётиб ўз билимларини теранлаштириш мақсадида Мавр шаҳрида фарғоналик олим Тождидин Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ал-Банандинжийдан ҳадислар тинглайди. Балхга келиб, Абу Шужоъ Умар ибн Муҳаммад ал-Бистомийдан унинг ихтиёрида бўлган барча асарларга ижозат олади. Таҳсил йиллари тугаб, етук фақиҳ даражасига етгач, Самарқанд Шайх ул-исломи мансабига тайинланади. Ундан ортиқ асарлар

яратади. Шулардан 6 таси бизгача етиб келган бўлиб, сақланганларнинг барчаси фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) масалаларига бағишлан-ган.

“Ал-Ҳидоя” ҳанафия фикҳининг 4 асрлик ривожига якун ясади. “Ал-Ҳидоя” 53 китобдан (бўлим) иборат бўлиб, амалий фикҳнинг (фуруъ ал-фикҳ) ҳамма жабҳаларини қамраб олади. Асарда исломнинг асосий маросим талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий қоидалари, хусусан, таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж, қурбонлик, оила ва никоҳ масалалари билан боғлиқ қоидалар батафсил ёзилган. Унда мулкӣ ва молиявий муносабатлар, жиноят ва жазо, фуқоролик ҳуқуқи, судлар ва процессуал масалалар, турмуш ва фаоли-ятдаги тақиқлашлар ва ижозатлар ҳақида ҳам фикр юритилади. Бу асар исломдаги суннийлик оқимининг ханафийлар мазҳаби кенг тарқалган мамлакатларда амалий қўлланма сифатида кенг фойдала-нилади.

XIV асрда “Ал-Ҳидоя” ханафий дунёсида мумтоз асар деб тан олинди. Шу даврдан бошлаб у Мадраса тизимида олий фикҳшунослик маълумотини олишда ёд олинishi лозим бўлган асосий ўқув қўлланма, деб ҳисоблана бошлади. Унинг бу шох асари араб тилидан форс, инглиз, рус, ўзбек ва бошқа тилларига таржима қилинди.

Марғинонийлар сулоласи номи билан боғлиқ мусулмон фикҳшунослар мактаби нафақат Туркистон ҳудудида, балки бутун ўрта аср араб-мусулмон дунёси ҳуқуқшунослик илмида асрлар бўйича етакчи бўлиб қолишида ҳал қилувчи рол ўйнаган. “Ал-Ҳидоя” ўрта асрда ҳам, ҳозирги кунларда ҳам нафақат шариат қомуси, қонунлар чиқариш ибтидоси, балки, умуман, ҳар қандай ҳуқуқий маърифат, таълим ва таҳсилнинг бирламчи ибтидоси, шариатдаги ханафия ҳуқуқий мактабига эргашувчи, унга амал қилувчилар учун эмас, балки шариатдаги барча мазҳаблар учун ҳам андоза манбаидир. У имом, қонуншунос, ҳадисшунослик уламо, Куръонни ёддан билган ва тафсир қилган, ҳуқуқий билимларни тўплаб, уларни яхлит ва бир бутун фан ҳолатига келтирган тадқиқотчидир.

Мутафаккир тарихда чуқур из қолдирди. Унинг уч ўғли - Жалолиддин Муҳаммад, Низомиддин Умар, Имомуддин Абу Бакр оталаридан сўнг узок муддатда навбатма-навбат Самарқанд шайх ул-исломи бўлиб турдилар. Невараси Абдурахим ибн Бакр ал-Марғиноний (вафоти 1253 й.дан сўнг) ўзининг фикҳий асари “Ал-Фусул ал-Имодийа” билан ислом дунёсида шуҳрат таратди. Эвараси Абдулаввал ибн ал-Марғиноний (вафоти 1411 й.дан сўнг) Туркияда машҳур олим ва устоз си-фатида танилган. Амир Темур ва темурийлар (1405-1500) даврида унинг авлодлари Мовароуннаҳрда узок йиллар шайх ул-ислом лавозимини эгаллаб турдилар.

Унинг ҳукукий меросини ўрганиш ҳозирги мустақиллик даврида тарихий хотирани тиклаш, қонунни тўғри тушуниш, талқин этиш ва қўллашда, ҳукукий жамият куриш ишига хизмат қилади. Шу сабабли юртимизда Бурхониддин Марғиноний меросига катта эътибор берилмоқда, унинг таваллуди кенг нишонланди.

3.3. Марғиноний илмий меросининг Марказий Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётидаги аҳамияти

Марғинонийнинг фақиру-мискин, бева-бечора, етим-есирларни закот, фитр, садақа ва бошқа хайр-эҳсон шакллари билан қўллаб-қувватлаш ҳар бир мусулмон учун шаръан жоизлиги ҳақидаги инсонпарварлик руҳи билан чиқарган ҳукмлари тарихимизнинг маълум даврларида катта ижтимоий – иқтисодий аҳамиятга ҳам эга бўлган. Чунончи, ўз ички ижтимоий-иқтисодий сиёсатида шарият аҳкомларига изчил риоя қилган Амир Темур бу масалада Марғиноний ғояларига суянган ва моддий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишда ўз ижтимоий – иқтисодий сиёсатининг асосий масалаларидан бири ҳисоблаган. Бунда айниқса Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарининг ғоявий таъсири кучли бўлган. Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримовнинг куйидаги фикрини келтириш мумкин: “Шубҳа йўқки, “Куч адолатдадир” деган ғояни ўз ҳаётининг мазмуни деб

билган Амир Темур бобомиздек улуғ аждодларимизнинг камол топишида ҳам “Ҳидоя” сингари қомусий асарларнинг таъсири ва аҳамияти беқиёс бўлган.”¹ Президентимизнинг ушбу фикрларининг исботи сифатида “Темур тузуклари”, соҳибқироннинг ўзига хос таржимаи ҳоли бўлган “Зафар йўли” асарларидан ҳамда қатор ўрта аср манбалари ва замонавий тадқиқотчилар китобларидан кўплаб маълумотлар келтириш мумкин. Чунончи, “Темур тузуклари”да шундай ёзилади: “Энди менинг номдор бахтиёр фарзандларим ва мамлакатларни забт этувчи иқтидорли набираларимга йўл-йўриғим шулки, мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарса ёрдамиа мамлакатларни забт этиб, салтанатни бошқардим ва салтанат тахтига зебу зийнат бердим. Улар ҳам ушбу тузукка амал қилсинлар.”² Амир Темур ўзи амал қилган ушбу ўн икки тузукни батафсил баён қилар экан, шундай деб ёзади: “... Еттинчиси – Дарвеш фақир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим, уларнинг кўнгилларини оғритмадим ва бирон талабларини рад этмадим.”³

Амир Темур мусулмон қонунчилигининг, хусусан Марғинонийнинг “Ҳидоя” асаридаги адолат тамойилига асосланган ҳукмларига суянган ҳолда иш юритган. Амир Темур мамлакат турли табақаларидан олинадиган солиқ миқдори ва тартиби ҳақидаги фармонларида солиқ олувчи – давлат хазинаси эҳтиёжлари ва манфаатларини назарда тутган ҳолда, шу билан бирга солиқ берувчиларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам қаратилган фармонлар берган. Бу, албатта мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашга, иқтисодий ва маданий раўнаққа хизмат қилган.

Амир Темур томонидан жорий этилган солиқ йиғишнинг ушбу тартибининг ижтимоий-маънавий ва тарихий аҳамияти шундаки, у бир томондан ўрта аср феодал жамияти шароитида солиқ йиғиш масаласида юз

¹ Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. 1998 йил 24 апрелда ЮНЕСКО қароргоҳида сўзлаган нутқи. Т.: “Ўзбекистон” Асарлар 4-жилд, Б.342.

² Темур тузуклари. Т.: Б.53

³ Темур тузуклари. Т.: Б.55

бериши мумкин бўлган турли адолатсизлик, зўравонлик, бебошлик ҳолатларининг юз беришга чек қўйишга олиб келган бўлса, иккинчи томондан мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигига, гуллаб – яшнашига олиб келарди. Ҳақиқатан ҳам Амир Темур даврида мамлакат ўз иқтисодий тараққиётининг юксак поғонасига кўтарилганлиги ҳақида жуда кўп ўрта аср манбаларида қайд этилган. Чунончи, Испания – Кастилиянинг Темур саройидаги машҳур элчиси Рюи Гонсалес Клавихио ўз кундаликларида Самарқанддаги ўзи гувоҳи бўлган иқтисодий муҳит ҳақида шундай ёзади: “Шаҳарда майдонлар кўп бўлиб, уларда пиширилган, ҳар хил қилиб тайёрланган гўшт, ғоят озодалик билан пиширилган товук ва қушлар, шунингдек, нон ва мевалар сотилади. Буларнинг ҳаммаси жуда тоза. Майдонлар кечаю-кундуз одамлар билан тўла бўлиб, уларда доимо қизгин савдо бўлиб туради. Шунингдек, махсус гўшт, товук, каклик, тустовук сотувчи дўконлар ҳам бор, булардан ҳам кечаю-кундуз истаган нарсангизни топа оласиз.”¹

Албатта, Амир Темур Марказий Осиё халқлари давлатчилиқ тарихида солиқ масаласида инсонпарварлик тамойиллари асосида мамлакатни бошқарган ягона ҳукмдор бўлмаган. Унинг авлодлари бўлмиш Шохрух, Улуғбек, Хусайн Бойқаро, Бобурлар ҳам имкони қадар солиқ масаласида адолат тамойилига риоя қилишга ҳаракат қилганлар.

Амир Темур сиёсий фаолиятининг катта маънавий ва ғоявий аҳамиятга эга бўлганлиги билан бирга халқаро сиёсат соҳасидаги ҳам катта аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеа бўлганлигидан далолат беради. Чунки бу ҳолат бир томондан турли динга эътиқод қилувчи халқлар ва мамлакатлар ўртасида иқтисодий, ижтимоий – сиёсий алоқаларни ривожлантиришга олиб келган бўлса, иккинчи томондан, асосан насроний динига эътиқод қилувчи Оврўпа халқлари билан ислом динига эътиқод қилувчи Марказий Осиё халқлари ўртасидаги диний адоват, низо ва келишмовчиликларни бартараф қилиб,

¹ www.google.uz.

улар ўртасидаги ўзаро ишонч ва тотувлик ришталарини мустаҳкамга хизмат қилиши мумкин бўлган улкан маънавий ва ғоявий аҳамиятга эга бўлган воқеа эди. Бу нарса Амир Темур салтанатининг иқтисодий қудратининг яна ҳам кучайганидан далолат берувчи ўрта аср манбаларида алоҳида таъкидланган.

Амир Темурнинг ўз мамлакатадаги турли миллатга мансуб ва турли динга эътиқод қилувчи фуқароларга нисбатан бағрикенглик руҳи билан йўғрилган адолатли сиёсати нафақат ижтимоий-иқтисодий равангчи, шу билан бирга мамлакатда яшовчи турли миллатга ва динга мансуб фуқаролар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи маънавий ва ғоявий аҳамиятга ҳам эга бўлди. Амир Темур исломнинг ҳуқуқий манбаларига, Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарига таянган ҳолда диний мутаассиблик, адоват ва мурасасизликка қарши халқлараро ва динлараро ҳамжиҳатлик, тотувлик муносабатларини ўрнатишга қаратилган фаолиятининг тарихий аҳамияти ҳақида Президентимиз И.А.Каримов шундай таъкидлайди: “Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа мамлакатлари тарихда биринчи марта ягона жўғрофий-сиёсий маконда эканликларини хис этди.

Бу фақат улкан афзалликдагина эмас, савдогарлар, халқлар, ҳеч қандай тўсиқларсиз ҳаракат қиладиган янги йўлларнинг очилишида ҳам намоён бўлди. Ўзаро ишонч, ҳамкорлик, умумий мурасага келиш мумкинлигига аминлик ўша мураккаб ва жўшқин давр қувончлари ва азобларида вужудга келган асосий қадриятлардир.”¹

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Марғиноний илмий мероси Марказий Осиё халқлари ҳаётида, давлатчилик тизимида катта аҳамиятга эга бўлган. Жумладан, Амир Темурнинг давлатчилик сиёсатида, шу билан бирга Бобурнинг адолатли, инсонпарварлик ва диний бағрикенглик руҳидаги солиқ тизими унинг мамлакатининг ҳам халқаро нуфузининг ошишига ва мустаҳкамланишига катта хизмат қилган. Бу масалаларни

¹ Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. 1998 йил 24 апрелда ЮНЕСКО қароргоҳида сўзлаган нутқи. Т.: “Ўзбекистон” Асарлар 4-жилд, Б.342.

ечимини топишда ва амалий ҳаётда қўллашда Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида чиқарган шаръий ҳукмларининг ўрни катта бўлган.

Хулоса шуки, Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида чиқарган солиқ ҳақидаги ҳукмлари катта ижтимоий-маънавий ва ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиш билан бирга, маълум даражада ўрта асрларда ижтимоий – сиёсий аҳамиятга ҳам эга бўлган. Улуғ ватандошимиз Марғинонийнинг ҳам бу борадаги тарихий хизмати ана шундадир.

ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида қатор буюк алломаларимизни эъзозлаб, уларнинг илмий меросини ўрганиш, бу соҳада эришган йирик ютуқларимиздан ҳисобланади.

Юртбошимиз томонидан 2000 йилда фикҳ (мусулмон ҳуқуқшунослиги) илмининг имоми, йирик ҳуқуқшунос олим Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллигини нишонлаш борасида қабул қилган қарори, фикҳ соҳасида олим қолдирган илмий меросни ўрганиб, ҳозирги ҳаётимизда ундан фойдаланишга қаратилган.

IX асрдан бошлаб XIII асргача Мовароуннаҳр фикҳ илми таракқиётининг энг муҳим марказларидан бирига айланиб, унинг худудида минглаб фақиҳлар ижод этганлар. Мовароуннаҳрлик ҳуқуқшунос олимлар ҳанафий мазҳабининг ривожини ва тарқалишини ўз олдиларига мақсад қилиб қўйиб, айримлари бу соҳада янги фанга асос солганлар.

Ўрта Осиёлик фақиҳлар орасида юртдошимиз шайхул-ислом Бурҳониддин ал-Марғиноний ўзига хос ўрин тутди. У ҳанафий мазҳабининг буюк вакили сифатида ушбу мазҳабни тарқатиш ва ривожлантириш учун ўзига хос ҳуқуқшунослик йўналишини яратди.

Ал-Марғинонийга катта шуҳрат ва обрў келтирган бу асар яратилганидан буён барча мусулмонлар учун дастурул амал бўлиб келмоқда. Бунга асосий сабаб асарда ақлий далиллар билан исботланган ҳуқуқий асослар ҳар тарафлама ва чуқур мазмунли ҳолда баён этилганлигидир.

Бунинг асосий сабаби – фақиҳнинг мазкур асарида мусулмонлар дуч келадиган долзарб ҳаётининг масалаларни, инсоннинг бурч ва масъулиятларига тааллуқли муаммоларни инсонпарварлик, адолатпарварлик, улкан бағрикенглик, шу жумладан диний бағрикенглик, воқеий ҳаёт шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиб берганлигидир. Бунга “Ҳидоя”да мусулмонлар ижтимоий-маиший ва маънавий-ахлоқий ҳаётида ўта муҳим ўрин эгаллаган закот ва солиқ ҳақида чиқарган ҳукмлари диққатга сазовор.

Марғиновийнинг инсонпарварлик, диний бағрикенглик, адолат туйғулари билан йўғрилган ҳукмларининг катта ижтимоий ва маънавий аҳамияти шундаки, у турли мулк шаклларида олинадиган солиқларнинг аниқ шаръий миқдорларини белигилаб, бу борада юз бериши мумкин бўлган турли зўравонлик, бебошлик, адолатсизликнинг юз беришига имкон бермайди. Малакавий битирув ишда мазкур ҳукмларнинг ҳозирги давримиз учун ҳам маълум ижтимоий ва маънавий ахлоқий аҳамияти ёритилган.

Марғиновий солиқ ҳақида чиқарган ҳукмларида билдирган фикр мулоҳазаларида энг аввало ҳар бир инсонни мурувватли, меҳр-шафқатли, адолатли ва ўз бурч ва вазифасига ҳалол муносабатда бўлишга даъват этиб, уларнинг ахлоқий камолотининг юксалишига, жамият олдидаги ўз фуқаролик бурчларини ҳалоллик билан бажариш каби инсоний фазилатни эгаллашга хизмат қилади. Шу нуқтаи – назардан ушбу ҳукмларнинг ҳозирги давримиз учун ҳам тарихий ва ижтимоий-маънавий аҳамияти катта.

Шу сабабли унинг илмий мероси ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жаҳондаги кўп олий ўқув юртларида мусулмон ҳуқуқшунослиги фани Бурхониддин Марғиновийнинг фикҳ таълимоти асосида ўрганилади. 1997 йил декабрда Ўзбекистонда Бурхониддин Марғиновий вафотининг 800 йиллиги нишонланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Президент И.А.Каримов асарлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., Ўзбекистон 2012.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., Ўзбекистон. 1993.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон 1997.
4. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т., Ўзбекистон. 9 жилд. 2001.
5. Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. 1998 йил 24 апрелда ЮНЕСКО қароргоҳида сўзлаган нутқ. Т., Ўзбекистон. Асарлар 9 жилд. 1999.
6. Каримов И.А. Бурҳониддин Марғинович таваллудининг 910 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. Т., Ўзбекистон 9 жилд 2001.
7. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: Ўзбекистон. 2011.

II. Манбалар, тадқиқотлар ва илмий мақолалар:

1. Абдулваҳҳоб Халлоф. Усул ул-фиҳ. // С.Муҳиддинов таржимаси. Т., “Адолат” 1998.
2. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Марғинович ва унинг издошлари. Т., Ислон университети нашриёти. 2000.
3. Азимджонова С. Бобур и его труд. “Бобурноме” в кн. Записки Бабур. Т.: 1994.

4. Алишер Навоий. 15 жилдлик асарлар тўплами. 15-жилд. Т., 1970.
5. Амир Темур. Темур тузуклари. Т., 1980.
6. Амир Темур. Зафар йўли. Т., 1990.
7. Баҳодиров Р., Расулов Д. Ислом илмларининг буюк алломалари. Т., 2000.
8. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. Т., “Юлдузча” 1989.
9. Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Мубаййин. Т., 2001.
10. Беруни. Избр. произв. III том. Т., 1996.
11. Бурҳониддин Марғиноний “Ҳидоя” I жилд. Т., 2002.
12. Гулнор ал-Фарғоний Араб истилосидан мўғул босқинига қадар Мовароуннаҳрда ҳуқуқий таълим тарихига доир.// Қонун ҳимоясида. №9. 2001.
13. Исҳоқов О.А. Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари – муҳим ҳуқуқий манба. Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т., 2002.
14. Исҳоқов С. Фикҳ ва унинг асосий манбалари // “Ҳуқуқ” ИИВ. Академияси. Журнали. 1999. №3.
15. Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик. Т., 2000.
16. Кариев А.А. Бурхан ад-дин Ал-Маргинонии и его место в истории фикха. Автореферат на соиск. Канд. Ист. Наук. Т., 2001.
17. Мўминов И.М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни. Т., “Фан” 1968.
18. Саидов А., Жўзжоний А. Шарқ ва иисон ҳуқуқлари. Т., 1998.
19. Саидов А. Бурҳониддин ал-Мағиноний буюк ҳуқуқшунос. // “Ҳидоя” асарига ёзилган кириш сўзи. “Ҳидоя”, I жилд. Т., 2002.
20. Усмонов М.О. Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида диний бағрикенглик ғоялари.// Маърифат. 2003.

21. Усмонов М.О. Закот ва солиқ ҳақидаги масалада Марғиновий ва Бобур шаръий ҳукмларининг муштарак жиҳатлари. // Илмий анжуман материаллари. Урганч. 2008.
22. Хасаний М. Ал-Мағиновийнинг “Ҳидоят” асари ва унга ёзилган шарҳлар. Т., 2000.
23. Хасанов А. Маънавиятимиз илдизлари ва ислом. // Ислом бағрикенглик ва мутаассиблик. Т., 1998.
24. Хасанов С. Овесто ҳуқуқ мактаби. // Мулоқот, 1999. №1.
25. Қориев О. Бурҳониддин ал-Мағиновий – ҳуқуқшунос. Шарқшунослик Т., 1993.
26. Қориев О. Бурҳониддин Марғиновий //Буюк сиймолар, алломалар. Т., 1995.
27. Қориев О. Ислом ҳуқуқшунослиги ва Бурҳониддин ал-Мағиновий. “Ҳаёт ва қонун” Т., 1994.
28. Қориев О. Ал-Марғиновий – машҳур фикҳшунос. Т.. 2000.
29. Қориев О. Мовароуннаҳрда фикҳ илми ва Бурҳониддин Марғиновий. // Ислом, тарих ва маънавият. Т., 2000.
30. Қориев О. Бурҳониддин Марғиновий ва унинг фикҳ илмида тутган ўрни. Тарих фан. ном. Канд. Диссертация автореферати. Т., 2000.
31. Қориев О. Бурҳониддин Марғиновий ва унинг фикҳ илмида тутган ўрни. Т., 2002.
32. Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур Т., “Чўлпон” 1992.

III. Диссертация ва конференция материаллари

1. Саидов А. ва Жузжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. Т.: 1998; Жузжоний А. Марғиновий ва унинг издошлари. Т.: 2000.
2. Қориев О. Ал-Марғиновий – машҳур фикҳшунос. Т.: 2000; Қориев О. Бурҳониддин ал-Мағиновий – ҳуқуқшунос. Шарқшунослик Т.: 1993;

Қориев О. Ислом ҳуқуқшунослиги ва Бурҳониддин ал-Мағиноний. “Ҳаёт ва қонун”. Т.: 1994, №2.

3. Махмуд Хасаний Ал-Мағинонийнинг “Ҳидоя” асари ва унга ёзилган шарҳлар. Т.:2000; Баҳодиров Р. ва Расулов Д. Ислом илмларининг буюк алломалари. Т.: 2000.

4. Усмонов М.О. Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида диний бағрикенглик ғоялари.// Маърифат. 2003 йил, 19 июль; Усмонов М.О. Закот ва солиқ ҳақидаги масалада Марғиноний ва Бобур шаръий ҳукмларининг муштарак жиҳатлари. // Илмий анжуман материаллари. Урганч. 2008.

IV. Интернет сайтлари:

1. www.google.uz
2. www.ziynet.uz
3. www.bilim.uz
4. www.pravo.uz
5. www.gov.uz